

**Олий аттестация комиссиясининг  
2025 йил 6 ойлик (январь-июнь) фаолияти натижалари бўйича  
маълумотнома**

1. **2025 йил 6 ойлигида 2664 нафар** тадқиқотчи **илмий даражада тасдиқланди**. Шундан, фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражасида эга бўлганлар сони **2241 нафарни**, фан доктори (DSc) илмий даражасига эга бўлганлар сони **423 нафарни** ташкил этди.

KPI кўрсаткичи илмий даражалар бўйича **107 фоизни**, жумладан фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражаси бўйича **107 фоизни**, фан доктори (DSc) илмий даражаси бўйича **106 фоизни** ташкил этди.

2. Шу даврда **1852 нафар** талабгор илмий унвонда, жумладан **1374 нафари** доцент, **75 нафари** катта илмий ходим ва **403 нафари** профессор унвонларида **тасдиқланди**.

KPI кўрсаткичи илмий унвонлар бўйича **104 фоизни**, жумладан профессор илмий унвони бўйича **107 фоизни**, катта илмий ходим илмий унвони бўйича **103 фоизни** ва доцент илмий унвони бўйича **103 фоизни** ташкил этди.

3. Жорий даврда **5 та илмий кенгаш тузилди**.

4. Хорижий давлатлар муассасалари томонидан берилган **56 та** илмий даражалар **дипломлари нострификация қилинди**. Шундан **35 таси** фалсафа доктори (PhD), **20 таси** фан номзоди ва **1 таси** фан доктори (DSc) илмий даражалари дипломи ташкил этади.

5. Хорижий давлатларда илмий даражалар тўғрисида берилган **22 та фалсафа доктори дипломи** ўрнатилган тартибда **фан доктори** сифатида тўғридан-тўғри **тан олиниши** ташкил қилинди.

6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг **252 та** мурожаатлари ҳисобга олинди (шулардан **2 та** оғзаки, **250 та** ёзма). Барча мурожаатларга **(100%) ўз вақтида жавоб берилди**.

7. Илмий жамоатчилик билан **7 та** ҳудудда учрашувлар ва сайёр қабуллар ташкил этилиб, ҳисобот даврида **1706 нафар** илмий жамоатчилик, шундан **1237 нафари 35** ёшгачан бўлганлар билан **15 та** учрашув ташкил этилди. Уларда **329 та** саволга тушунтиришлар берилди, **47 нафар** шахсга жойида услубий ёрдам кўрсатилди ва сайёр қабулларда **9 нафар** шахсга жойида амалий ёрдам берилди.